

ИШБИЛАРМОНЛИК ТАФАККУРИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШ ГЕНЕЗИСИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Бабахолов Ғайрат Ташбатирович

СамДУ тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7426056>

Аннотация. Ушбу мақолада инсонларнинг ишбилармонлик тафаккури, тадбиркорлик қобилиятини талаб ва таклиф қонунларига мувофиқ тарзда шаклланиш ва ривожланиш усуллари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилган ҳамда илмий-назарий жиҳатдан кўрсатилган. Шу билан биргаликда бу ҳаракатларни амалга ошириш йўналишлари сифатида моддий ва маънавий бойликлар яратиш, унинг ижтимоий-иқтисодий тизимга таъсири ҳамда кишилар онгида ишбилармонлик тафаккурининг вужудга келишига доир билимларини ошириш муҳимлиги ёритилиб ўтилган.

Калит сўзлар: фалсафа, ишбилармонлик, ривожланиш, тафаккур, тадбиркорлик, фаолият, ишлаб чиқариш, тараққиёт ва фаровонлик.

Қадимда яшаган кишилар онгида ишбилармонлик тафаккурининг вужудга келишига асосланган тадбиркорликнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганувчи фан сифатида юзага келаётган тадбиркорлик фалсафасининг ўзига хос бўлган тарихий илдизлари мавжуд. “Тарихий илдиз” тушунчаси кенг маънода бугунги кунда мавжуд бўлган барча нарса ва ҳодисаларнинг тарихий макон ва замонда жой олган барча томонлари, тор маънода эса муайян субъектлар томонидан билиш ва ўзгартиришга қаратилган нарса ва ҳодисаларнинг тарихий макон ва замонда эгаллаган ўрнини англатади”.¹Шунга кўра тадбиркорлик фалсафасининг тарихий илдизлари деб одамларнинг қадимдан деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан кўпроқ даромад топиш мақсадида омилкорлик билан иш юритиб, ўзлари ва ўзгаларнинг эҳтиёж ва манфаатларини қондиришга қаратилган, оддийдан мураккаб сари йўналтирилган, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган ишбилармонлик тафаккурига асосланган меҳнат фаолиятларининг тарихий замондан қатъий ўрин эгаллаган бир бутун тизимдир.

Кишиларда ишбилармонлик тафаккурининг ривожланишига асосланган тадбиркорликнинг дастлабки пайдо бўлиши давридан то ҳозирги кунга қадар, турли соҳалардаги мутахассислар - қадимшунос, шарқшунос,

¹Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э.Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. Монография. – Тошкент: Фан, 2017. – Б.160.

тарихчи ва файласуф олимлар иштирокида амалга оширишни, яъни улар томонидан кўплаб манбаларни, хусусан, археологик, нумизматик, кўл ёзуви, архив материаллари, шунингдек даврий бошқа нашрларни ўрганиб чиқиш асосида ёритишни талаб қиладиган сермашаққат иш ҳисобланади. Зеро, шундай экан, мазкур тадқиқотда биринчи навбатда унинг онтологик асосларини ташкил этувчиси бўлган - моддий қадрият сифатида мавжуд бўлган томонларини ўрганишга эътибор қаратилади.

Қадимги одамларнинг дастлабки ишбилармонлик тафаккурининг шаклланиб боришига асосланган меҳнат фаолияти уларнинг тадбиркорлик билан иш юритишни тақозо қилган. Аниқроғи, қадимги одамларнинг ишбилармонлик тафаккури даражаларига асосланган тадбиркорлик фаолияти гарчанд географик муҳит, табиий ресурслар ва иқтисодий ҳаёт билан чамбарчас боғланган бўлсада, бироқ, бу жараён тараққиёт ва фаровонлик, таназзул ва турғунлик, таъқиб ва тугатиш, жонланиш ва ривожланиш каби ҳолатларни бошдан кечирган бўлиб, унинг истиқболари ҳамма вақт минтақада содир бўлаётган сиёсий жараёнларга, хусусан, ички ва ташқи курашларга, шафқатсиз урушларга, мамлакатнинг аҳволи ва ҳукмдорларнинг юритаётган иқтисодий сиёсатига, шунингдек, бошқа мамлакатлар ва халқлар билан ўрнатилган савдо алоқаларининг хусусиятига бевосита боғлиқ бўлиб келган. Демак, буларнинг барчаси фалсафий жиҳатдан минтақани бутун тарихий ривожланиши доирасида, унинг сабаблари ва омилларини аниқлаш билан босқичма-босқич ўрганишни талаб қилади.

Жамиятнинг ривожланиш тарихидан шу нарса маълумки, инсоният пайдо бўлган кунидан бошлаб ҳаётини сақлаб қолиш учун атрофини ўраб турган атроф-муҳитга нисбатан доимо фаол муносабатда бўлиб келган. Бу эса исбот талаб қилмайдиган аргумент сифатидан тан олинган, ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам бу жараённинг кечишини кишиларнинг ишбилармонлик тафаккури ривожига асосланган ўзбек тадбиркорлик фалсафасининг “одам ва олам” муносабатларининг узвийлиги, одамнинг омилкорлик² билан фаолият юритиш қонуни сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

“Одам ва олам” муносабатларининг узвийлиги, одамнинг омилкорлик билан фаолият юритиш одамзотнинг табиий ва ижтимоий борлиқ ичида ҳаёт кечириши учун табиат ва жамият эҳсонларидан фойдаланиш, уларни

²Омилкор [арабча – ишбилармон, моҳирлик билан ишловчи,оқил] Омиллик,усталик билан иш кўрувчи;уста,омил. Омилкорлик – Усталик билан,оқилона иш кўришлик// Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.Ш. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.122.

қайта такрор ишлаб чиқариш, атроф муҳитни ўзгартириш борасида ишбилармонлик тафаккури билан олиб борадиган муҳим, зарурий, умумий, нисбатан барқарор бўлган, аниқ бир натижани келтириб чиқаришга қаратилган муносабатлар мажмуи сифатида қараш мумкин.

Тарихида кишиларнинг ишбилармонлик тафаккурининг вужудга келишига асосланган тадбиркорлик фаолиятининг келиб чиқиши, миллоддан аввалги 6-4 минг йилликларда, яъни бундан 8-6 минг йил аввал юз берган “неолит инқиллоби” ва ундан кейин юзага келган энеолит ва бронза даврига бориб тақалишини такидлайдилар³. “Неолит инқиллоби” даврида ишбилармонлик тафаккурига асосланган тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг дастлабки моддий ва қисман маънавий манбалари яратилган бўлиб, улар жумласига: термачиликдан зироатчиликка ўтиш; майда меҳнат қуролиларини ясаш; ўтроқ турмуш тарзига ўтиш; пахса ва лойсувоқ уйларни қуриш; манзилгоҳ ёнида мол асраш; кулолчилик, тикувчилик, тўқувчилик ва бошқаларни киритиш мумкин.

Қадимги “Ҳомо ҳабилис” – ишбилармон (уқувли) одамнинг ишбилармонлик тафаккурининг ривожланиши натижасида миллоддан аввалги VI-V асрларга келиб хўжаликни юритиш ишлаб чиқаришнинг натурал типига, яъни одамлар, оилалар, уруғлари ўртасида ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган барча олди-берди муносабатлари тайёр маҳсулотларни натурал тарзда алмаштириш орқали амалга оширила бошлаган. Бунда асосан одамлар қандай предметдан меҳнат қуроли сифатидаги кўпроқ фойдаланиш мумкин бўлган нарса, ашёларга эътиборини қаратганлар. Улардан ишбилармонлик билан фойдаланиш орқали, ўзларининг эҳтиёж ва манфаатларини қондиришга ҳаракат қилганлар. Қадимги даврдаги ишбилармонлик тафаккурига эга бўлган одамларнинг ибтидоий шаклдаги натурал товар айирбошлашга асосланган тадбиркорлик фаолияти энеолит даврида ҳам давом этган.

Қадимги даврда яшаган инсонларнинг ишбилармонлик тафаккурининг шаклланиб бориши асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларида бу ердан ўтган савдо йўлларининг аҳамияти катта бўлган. Алоқа-савдо йўлларининг пайдо бўлишига: одамларнинг озиқ-овқатга бўлган талабларини қондириш учун бошқа озиқ-овқат заҳираларига бой бўлган жойлар билан боғланишга бўлган табиий эҳтиёжи; табиий шароит тақозосига кўра одамларнинг маҳсулотларни

³ Очерки истории формирования и развития предпринимательства в Узбекистане. Монография. – Ташкент: ФБАН РУз. И.Муминов, 2011. – С.8 (145 с.)

айирбошлашга бўлган эҳтиёжининг пайдо бўлиши; аҳолининг баъзида табиий, баъзида ижтимоий-иқтисодий шароитга кўра бир ҳудуддан иккинчисига кўчиб юриши; одамлар онгида янги жойларнинг табиий ҳолати, географик жойлашуви ҳақидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, ҳайвонларни қўлга ўргатиб, улардан фойдаланиш ишларининг йўлга қўйилиши, ғилдиракнинг кашф этилиши ва бошқалар сабаб бўлган, десак тўғри бўлади.

Қадимдан яшаб ўтган халқларнинг олиб борган савдо-сотиқ, иқтисодий, маданий ва маънавий алоқаларидаги ишбилармонлик тафаккурининг шаклланиши ва ривожланиши натижасида тадбиркорлик ҳақидаги фалсафий қарашларнинг куртакларини: *биринчидан*, савдо-сотиқ йўллари очиш ва улардан фойдаланиш ишларини ташкил этганлигида; *иккинчидан*, савдо-сотиқ билан шуғулланиш учун ишлаб чиқилган товар маҳсулотларининг салоҳиятида; *учинчидан*, савдо-сотиқ, иқтисодий, маданий ва маънавий алоқа ишларини олиб боришда худдиднинг географик жойлашувидан унумли фойдаланганликларида кўриш мумкин. Қадимги давлатлар томонидан олиб борилган ишбилармонлик тафаккурига асосланган сиёсатининг кейинги эволюцияси бевосита «Буюк ипак йўли»нинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Бу йўл миллоддан аввалги II асрдан бошлаб XX асрнинг 30-йилларигача, яъни деярли 2000 йилдан ортиқроқ вақт давомида фаолият олиб бориб, ишбилармонлик бобида кўпгина тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Буюк ипак йўли ҳудудида яшаган халқларнинг ишбилармонлик тафаккурининг шаклланиб боришига асосланган тадбиркорлик ҳақидаги фалсафий фикрларнинг ривожланиб боришидаги тарихий ўрнини қуйидагилар: *биринчидан*, минтақани шарқда Хитой ғарбда эса Ўрта Ер денгизи билан боғлаб, у ерларда олиб борилаётган савдо-сотиқ алоқаларини ўрганганлигида; *иккинчидан*, мазкур йўлнинг тармоқларини янада кенгайтириб, унда коммуникация тизимининг яратилиши ва йўл атрофида қарвонларга хизмат кўрсатиш тизими, савдо-сотиқ билан боғлиқ инфраструктураларни бунёд этганликларида кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда қадимги одамларнинг ишбилармонлик тафаккурининг ўсиб бориши эса, уларнинг тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланишига замин ҳозирлаган. Қадимги одамлар ишбилармонлик тафаккурига асосланган тадбиркорлик ўз навбатида жамиятнинг моддий ҳаётида онтологик табаитга, гносеологик хусусиятга,

аксеологик аҳамиятга эга бўлган ижтимоий феномен сифатида қарор топган реалликлардан бири ҳисобланади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. Монография. – Тошкент: Фан, 2017.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.Ш. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
3. Муминов И. Очерки истории формирования и развития предпринимательства в Узбекистане. Монография. – Ташкент: 2011.
4. Валиев Б. Иқтисодий маданият ва уни шакллантириш омиллари. Монография. –Т.: “Тошкент ислом университети”, 2008
5. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1-китоб. – Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2019.
6. Ruzimurodov S. M., Ruzimurodov O. M. The Role of the Neighbourhood in the Healthy and Harmonious Education of Young People in the Global Environment //Indiana Journal of Humanities and Social Sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 1-3.
7. Ruzimuradov S. A healthy lifestyle in the family is an important factor in developing living standards of our people //Middle European Scientific Bulletin. – 2020. – Т. 6. – С. 13-15.